

Ток тупларига шакл бериш

Ток туплари кўп энгли елпигичсимон шакл бериш усулидан кенг фойдаланилади. Бунда ток тупларини кўмишни оsonлаштириш, мўл ҳосил берадиган кўзчаларни қолдиришга имкон беради.

Тупни шакллантириш, кўчатларни ўтказишга тайёрлашдан бошланади, бунда уларда 2-3 та кўзча қолдириб кесилади. Кўчатларни ўтказишда уларнинг новдалари қатор чизиғи бўйлаб жойлаштирилади, новдалар асоси тупроққа 8-10 см чуқурликда қўйилади.

Бир йиллик кўчатлар киша кесмасдан кўмилади, кейинги йили баҳорда симбағаз ўрнатилади. Иккинчи йили баҳорда новдаларнинг ривожланишига кўра туплар кесилади. Кучли занглар пишган новдалар шундай кесиладики, уларни пастки симга боғлаш мумкин бўлсин, кучсизлари 2-3 та кўзча қолдириб, қалта кесилади.


Апрелда кўк новдалар ривожлангандан кейин хомток қилинади. Туп асосидаги, туп ичига ёки қатор орасига йўналган ва шакл бериш учун яроқсиз новдалар олиб ташланади, тупнинг ташки томонига қатор бўйлаб ўсган, қалта кесилган зангдаги новдалар қолдирилади. Узун кесилган зангларнинг пастки қисмида тупнинг ташки томонига ўсган битта кўк новда, юқори қисмида камида иккита новда қолдирилади.

Иккинчи йили кузда пишган новдада иложи борича кўпроқ кўзчалар қолдириб кесилади. Икки йиллик узун кесилган бачки новдалар қалта кесилади, иккита юқори узунроқ новдада ҳосил учун 6-8 та кўзча қолдирилади. Туп асосидаги 6-8 та яхши ривожланган новдалар 60-80 см га кесилади.

Баҳорда занглар симбағазга туп марказида икки томонга бир текис тақсимланган ҳолда елпигичсимон қилиб боғланади. Енглар учигаги новдалар симбағазнинг 2-3 симига горизонтал қия ёки ёйсимон қилиб боғланади.

Хомток қилиш даврида тупни қалинлаштирувчи мевасиз новдалар олиб ташланади, пастки қисмида етишмаган енглари шакллантириш ёки уларни алмаштириш учун новдалар қолдирилади.

Чеканка қилиш ва бачкилардан фойдаланиш асосида тезлаштирилган усулда шакллантирилган туплар яхши сув-озуқа ва ҳаво-ёруғлик режимида учинчи йиллик юқори (ҳар бир тупда 10-12 кг) ҳосил беради.



Токларга шакл бериш жараёни: 1 – биринчи йил; 2 – иккинчи йил; 3 – учинчи йил (баҳор); 4 – учинчи йил (кўз); 5 – тўртинчи йил (кўз)



Узумни “ер токи” усулда етиштириш (Самарқанд вил., Ургўч тум.)



Токларни симбағазларда етиштириш (Тошкент вил., Паркент тум.)



Узумни воши усулида шакллантириш (Самарқанд вил., Самарқанд тум.)



Ток тупларига шакл бериш (воши усулида)



Узумни сўрилларда етиштириш (Тошкент вил., Тошкент тум.)



Токларга баланд танали шакл бериш (Фарғона вил., Олтиариқ тум.)



Фарғона вил., Қува тум. З.Сиддиқов томорқасида



Самарқанд вил., Самарқанд тум. Д.Муродова тоқзориди



Токка паст танали шакл бериш усули (Тошкент вил., Паркент тум.)

Лойиҳа Миллий Агентлиги: Академик М.Мирзаев номидаги боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий-тадқиқот институти
Манзил: 111116, Тошкент вилояти, Тошкент тумани, Гулистон қишлоғи, Чимкент йўли кўчаси
Телефон: (+99871) 220-24-42, (+99871) 220-26-82; **Факс:** (+99871) 220-26-48
Электрон почта: buviti@mail.ru, meva-uzum@exat.uz
Тузувчилар: Х.Ч.Бўриев, Ш.М.Ахмедов, П.Т.Назаров. А.Қ.Қайимов умумий таҳрири остида.